

06.10.2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «**Буюртмачи**» деб аталувчи Вилоят Махалла ва оилани куллаб кувватлаш бошкармаси ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари **И.Жабборов** бир томондан ва «**Пудратчи**» деб аталувчи «СП **ООО «Solara»**» ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Курбаниязова С.Д иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «**Пудратчи**» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «**Буюртмачи**»нинг тасарруфидаги Вилоят Махалла ва оилани куллаб кувватлаш бошкармасига 20 кВт куёшга фотоэлектрик модуль орнатиб бериш.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «**Буюртмачи**» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қийматига асосан жорий нархларда жами **154 123 000 (Бир юз эллик тўрт миллион бир юз йигирма уч минг) сўм (ҚҚС билан)** ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 5_банк иш кунида «**Буюртмачи**» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 50 фоизини туловлар кетма кетлигига асосан олдиндан аванс тариқасида «**Пудратчи**»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 50 фоизи сўмини «**Пудратчи**» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.5. «**Буюртмачи**» охириги тўловни «**Пудратчи**» томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 6 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «**Буюртмачи**» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «**Пудратчи**»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «**Буюртмачи**»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 15 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 15 (ўн беш) кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «*Буюртмачи*»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «*Пудратчи*»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «*Буюртмачи*»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «*Буюртмачи*»нинг ҳуқуқлари

«*Пудратчи*»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«*Пудратчи*»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«*Пудратчи*» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «*Пудратчи*» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «*Буюртмачи*»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «*Пудратчи*» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «*Буюртмачи*» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «*Пудратчи*» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «*Буюртмачи*» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пенялар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жihatдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

СП ООО «Solara»

Манзил: Тошкент шаҳар,
М.Улугбек туман, «Дархон» МФЙ, Дархон
кўчаси, 14-уй
ИНН: 309567885,
Р/с: 20214000405529313001
МФО 00440
Рўйхатга олинганлик код
плательщика НДС: 326020191031
Банк: Саноатқурилишбанк, Ўзбекистан

Бошлик  Курбаниязова С.Д.




«БУЮРТМАЧИ»

Самарқанд вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси

Манзил: Самарқанд шаҳар М.Улугбек
кўчаси 50-уй
ИНН: 207318161
МФО: 00014
Ш/Х 400121860184017011906259001
Марказий банк ХККМ

Бошлик  И.Жабборов



Юрист 

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Самарқанд вилояти маҳалла ва
нуронийларни қўллаб-қувватлаш
бошқарма бошлиғи**

И.Жабборов

2022 йил «28» сентябрь

**Самарқанд вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш
бошқармаси биносига қайта тикланувчи энергия манбалари
қурилмаларини (қуёш панели) ўрнатиш бўйича хизмат кўрсатувчи
ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ**

Самарқанд шаҳри

2022 йил «28» сентябрь

Раислик қилувчи

Ю.Салимов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Ф.Мирзаев

бош юристконсулт

А.Салаев

хўжалик мудир

А.Лапасов

бош мутахассис

П.Келдиеров

бош мутахассис

Х.Турдиев

бош мутахассислари

КУН ТАРТИБИ:

**Самарқанд вилояти маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш
бошқармасига қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини
(қуёш панели) ўрнатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар
ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида**

(Ю.Салимов, П.Келдиеров, А.Лапасов, Х.Турдиев, ЮСалимов)

Дирекция томонидан 2022 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси
Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарқанд вилояти
маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармасига қуёш
панелларини ўрнатиш бўйича лот (22110012151697 рақами) эълон
жойлаштирилди.

Мазкур лот бўйича 2022 йил 26 сентябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган бошқарманинг баённомасига асосан эълон якунига кўра, комиссия аъзолари томонидан “SOLARA” масъулияти чекланган жамияти қолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда йиғилиш


ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “**Давлат харидлари тўғрисида**”ги **684-сонли** қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 28 сентябрдаги электрон баённомасига асосан қолиб “SOLARA” масъулияти чекланган жамияти билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома тузилсин.

3. Бошқарма бош ҳисобчиси (А.Саманов) хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия раиси:



Ю.Салимов

Комиссия аъзолари:

Ф.Мирзаев

П.Келдиеров

А.Салаев

Х.Турдиев

А.Лапасов

С. Элимирзаев

